

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«МЕНЕЖМЕНТ» кафедраси

КУРС ИШИ МАВЗУСИ:

**«Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тўқимачилик
корхоналари фаолияти аудити»**

14-10 гуруҳ талабаси
Рисқулов И.

Раҳбар, доц. Исаев Р.А.

Тошкент – 2013

Мавзу: Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тўқимачилик
корхоналари фаолияти аудити

Режа:

Кириш

Асосий қисм:

- 2.1. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тўқимачилик
корхоналарида аудит текширувини ўтказишнинг назарий-ҳуқуқий
асослари ва уни такомиллаштириш масалалари.
- 2.2. Тўқимачилик корхоналарида аудит текширувини ташкил қилишнинг
хусусиятлари ва услубиётининг таҳлили
- 2.3. Республика тўқимачилик корхоналарини аудит текширувидан ўтказиш
жараёнида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини
жорий этишни кенгайтириш масалалари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Турли мулкчилик шакллариغا асосланган хўжалик субъектларида моддий бойликлар, меҳнат ва молиявий ресурслар қай даражада самарали тақсимланганлигига баҳо беришда, улар фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда ташқи аудит ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимиз молиявий хизматлар бозорида назорат тизими сифатида мустақил фаолият юритувчи ташқи аудитни такомиллаштириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «...иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни Корхона-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас», деб таъкидлаган эдилар.

Иқтисодиётнинг молиявий секторида тўқимачилик корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолашда ташқи аудит назорати муҳим ва зарурий воситадир. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида корхоналарда ташқи аудит ўтказишнинг янгича, замонавий методларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, аудит ўтказишни такомиллаштириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим муаммо ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, республикамизда ташқи аудит ўтказишни халқаро стандартлар даражасига кўтариш асосида уни такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тўқимачилик корхоналари, корхона ташқи аудитини ўтказиш билан шуғулланувчи аудиторлик ташкилотлари курс ишининг объекти ҳисобланади.

Курс ишини бажаришдан асосий мақсад ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тўқимачилик корхоналарида ташқи аудитни такомиллаштириш саналади.

Асосий қисм

2.1. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда аудит текширувини ўтказишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш масалалари

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда ташқи аудит текширувини ўтказишни тўғри ташкил этилиши ва самарадорлиги бевосита унинг ҳуқуқий асосларига ҳам боғлиқ. Ташқи аудитнинг ҳуқуқий асослари уни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштиришга асос бўладиган ёки ушбу жараёнларни амалга ошириш учун ҳуқуқ берадиган меъёрий ҳужжатлар мажмуасидан иборат.

Ташқи аудит текширувини ўтказишнинг назарий-ҳуқуқий асослари турли иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Жумладан, иқтисодчи олим Р.Д.Дўсмуратов томонидан Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими ва унинг элементларини қуйидаги 3 поғонага ажратилган:

1. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги Қарори.

2. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари; аудиторлик текшируви ўтказишга доир услубий кўрсатмалар, тавсияномалар ва бошқалар.

3. Аудиторлик ташкилотининг доимий ҳужжатлар тўплами, аудиторлик текшируви ўтказиш режаси ва дастури, экспертиза ҳужжатлари ва бошқалар.

Иқтисодчи олим В.П.Климович эса аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қуйида келтирилган 4 даражага бўлади:

1. Қонун ва Президент Қарорлари;

2. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, вазирлик йўриқнома ва

низомлари;

3. Аудиторлик фаолиятининг стандартлари;

4. Ички аудит стандартлари.

Иқтисодчи олим Ҳ.Н.Мусаев эса, аудитнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи меъёрий ҳужжатларни қуйидаги тартибда бир неча турларга ажратади:

- аудитни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар;

- аудитни ўтказиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар;

- аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришга


қаратилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар;

- аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар.

Фикримизча, юқоридаги иқтисодчи олимлар Р.Д.Дўсмуратов ва В.П.Климовичлар томонидан ташқи аудит текширувини ўтказишнинг назарий-ҳуқуқий асослари уларнинг фаолият ва жараёнга таъсир даражасига кўра поғоналарга ажратилган. Иқтисодчи олим Ҳ.Н.Мусаев томонидан эса ташқи аудит текширувини ўтказишнинг назарий-ҳуқуқий асослари унинг босқичлари бўйича турларга бўлинган. Бироқ, бизнингча уларнинг таркиби поғона ва ёки турларда эмас, балки гуруҳларга бўлиниши ҳамда улар қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бўлиши кераклиги ҳақида етарли даражада мулоҳаза юритилмаган. Мамлакатимизда ташқи аудит текширувлари давлат томонидан тартибга солинади ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан мувофиқлаштирилади. Бироқ, олиб борилган илмий изланиш ва тадқиқотлар натижасида халқаро ва маҳаллий Корхоналар аудитига оид меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқувчи етакчи ташкилотлар қуйидагилар эканлигига гувоҳ бўлдик (1-расм).

Ташқи аудитнинг муҳим ҳуқуқий ҳужжатларидан бири бу томонлар ўртасида тузилган ташқи аудит текширувини ўтказиш тўғрисидаги аудиторлик шартномасидир. Ушбу шартнома унинг буюртмачиси талаби асосида тузилиб, унда аудитнинг объекти, ўтказилиш даври, томонларнинг

мажбуриятлари, аудиторлик хизматларининг қиймати кўрсатилган бўлади.



1-расм. Корхона аудити бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқувчи ташкилотлар

Шу билан биргаликда, аудиторлик ташкилотлари, тўқимачилик корхоналари ўртасида маъсулият ва мажбуриятларни тенг тақсимлаш принциплари асосида тузилишини таъминлаш, шартномавий муносабатларда тўлов интизомини мустаҳкамлаш, аудиторлик ташкилотлари мустақиллигини таъминлаш мақсадида аудиторлик шартномаси таркибига:

- аудиторлик ташкилоти ва Корхонанинг ҳуқуқи, мажбурияти ва маъсулиятига оид кўрсатмалар;
- шартномани бажариш босқичлари;
- хизмат ҳақининг тавсифланган миқдори каби қоида ва шартлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, 2008 йилда жаҳонда содир бўлган молиявий инқироз айниқса, тўқимачилик корхоналарини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бунга, нуфузли аудиторлик компаниялари томонидан ташқи аудит

текширувидан ўтган ва молиявий барқарорлиги юқори деб баҳоланган тўқимачилик корхоналари маълум вақтдан сўнг, молиявий инқирозга юз тутаётганлиги сабаб бўлмоқда. Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт эканлиги кўрсатилган, лекин амалда аудиторлик ташкилотлари тузган шартномаларда етказилган зарарни қоплаши билан боғлиқ жавобгарликни ўз зиммаларига олмаганликларини кўриш мумкин. Бундай ҳолатнинг ҳуқуқий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 336-моддасида ҳам белгилаб қўйилган.

Аудиторга ташқи аудит ўтказиш учун «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартлари асос бўлади. Ташқи аудит текшируви вақтида томонлар ўртасида вужудга келадиган муносабат пудрат шартномаси кўринишида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлардан қатъий фарқ қилади: бундай шартномада томонлар тадбиркорлар каби тенг ҳуқуқлидир, лекин, аудитор ўз мақомига кўра миқдори (хўжалик тизимини) назорат қилиши лозим, бу уларнинг шартномасидаги энг асосий муҳим қисмдир. Айтиш мумкин, бундай муносабатларнинг зарур ва қатъий назорат қилинадиган шarti - бу ташқи аудиторнинг текшираётган миқдорнинг маъмуриятидан мустақиллигидир. Бизнинг фикримизча, мустақилликнинг турли муаммолари қуйидагича умумлаштирилиши ва изоҳланиши лозим:

1. Ташкилий мустақиллик: таъсисчиларнинг таркиби бўйича; ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича; мулкчилик шакли бўйича; ишлаб чиқариш тузилиши бўйича, кадрлар таркиби бўйича (жумладан шахсий ва оилавий сифатлар бўйича);

2. Моддий-техникавий мустақиллик: устав капитали миқдори етарлилиги; муайян моддий-техника базасининг мавжудлиги; зарур ҳолларда давлатнинг қўллаб-қувватлаши; ходимларнинг моддий таъминланиши даражаси;

3. Интеллектуал мустақиллик: штатнинг асосан тегишли назарий тайёргарлиги бўлган ва етарлича даражада иш стажи бўлган ходимлардан иборатлиги; аттестациядан ўтган аудиторлар салмоғининг етарлилиги; аудиторлик ташкилоти ички услубларининг мавжудлиги, малака ошириш ва бошқалар.

Умумий хулоса шундан иборатки, аудит ўтказиш учун тузилган шартнома шартларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, унинг айрим жиҳатларидан, айниқса, ҳозирги шароитда хатарларни оқилона тақсимлаш учун мумкин қадар тўла фойдаланиш лозим.

2.2. Тўқимачилик корхоналарида аудит текширувини ташкил қилишнинг хусусиятлари ва услубиётининг таҳлили

Аудиторлик текширувини ўтказишни ташкил қилишда аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатлари катта аҳамият касб этади. Акциядорлик-Тўқимачилик корхоналарида ташқи аудит текширувини ўтказишни ташкил қилишнинг хусусиятлари ва услубиётини таҳлил қилар эканмиз, унинг амалдаги услубиёти ва механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги илмий изланишлар натижасида, бизнингча, ташқи аудитни ишчи ҳужжатлар ва ўтказиш методикаси бўйича таҳлил қилиш зарур.

Корхоналарда ташқи аудит текширувини ташкил қилиш амалиётида ишчи ҳужжатларни расмийлаштиришда қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

1. Корхона бизнеси жараёни тавсифини тўлиқ ўрганиш ва амалдаги ҳолатига баҳо бериш;

2. Корхона маҳсулотларини қайта ишлаш схемасини яратиш;
3. Ички ишчи хужжатларни жараёнда қатнашувчилар ўртасида ўзаро келишган ҳолда ишлаб чиқиш;

4. Хужжатларни жараён қатнашувчиларига Ўзбекистон Республикаси, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қонунчилик нормаларига, стандартларга мувофиқ йўналтириш;

5. Корхона бошқаруви томонидан тасдиқлаш.

Аммо, ишчи хужжатларнинг меъёрий ҳуқуқий базасини яратиш босқичида қуйидаги муаммолар пайдо бўлади:

1. Ички назорат ходимларининг қўшимча амалларни бажаришга норозилиги;

2. Корхонанинг барча молия-хўжалик муомалалари акс этган хужжатларни электронлашмаганлиги.

Шунингдек, текширувни ўтказишга розилик учун ёзиладиган мажбурият хати ҳам аудит ишчи хужжатлари таркибига киради. Мажбурият хати аудиторлик фаолиятининг қонунчилик хужжатларига асосан тайёрланади. Ҳозирги иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш амалга оширилаётган бир пайтда ушбу мажбурият хатининг мақсади, текширилувчи мижоз ва аудиторлик ташкилоти ўртасида текширувга розилик бериш битимини тузишда ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш, ўрнатиш билан изоҳланади. Албатта, мажбурият хати асосан мижозга расмий аудиторлик хизматини кўрсатишни сўраб, таклиф этиб ёзилади. Фақат, шундан кейингина аудитор мижознинг фаолияти билан танишувни бошлайди, яъни дастлабки режалаштиришни амалга оширади. Дастлабки режалаштириш аудиторга олдинда турган иш ҳажмини, унинг тахминий қийматини баҳолаш ва мажбурият хатини аниқ ва пухта бўлишини таъминлайди. Мажбурият хатининг шаклий кўриниши ва унинг таркибида қуйидагилар назарда тутилади:

- аудиторлик текширишнинг шартлари;
- аудиторлик ташкилотининг мажбурияти;

- мижознинг мажбуриятлари.

Булардан ташқари, мажбурият хати таркибида аудит ўтказиш учун асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжатлардан иловалар, парчалар (Фаолиятга тегишли ЎзР Қонунлари, ВМ Қарорлари, йўриқномалардан) келтирилиши лозим. Айрим ҳолларда Халқаро Ҳисоб Стандартлари Қўмитаси (IASB) томонидан чиқарилган Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси (IFA) томонидан чиқарилган Аудитнинг халқаро стандартларидан ҳам фойдаланилиши мумкин. Қоидага кўра аудиторлик ташкилотларига қандай мажбурият юкланиши мажбурият хатида келтирилади. Мажбурият хатида аудиторлик ташкилотларининг иш натижалари бўйича берадиган ҳисоботлари назарда тутилади. Бизнингча, ушбу хатда аудиторлик ташкилотига унинг кўрсатаётган хизматлари, тижорат сирининг ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида аниқланган хато ва ноаниқликларнинг ошқор этилмаслиги ҳақидаги маълумотлар мажбурият сифатида акс этиши лозим. Бундан ташқари, текширилувчи мижозга эса ҳисоб ва ҳисоботнинг тўлиқлиги ҳамда ишончлилиги, аудиторларга барча керакли ахборотга эга бўлишида рухсат берилиши ва қаршилик кўрсатмаслик ҳамда ҳамкорлик асосида кўмаклашишни таъминлаш ҳақидаги мажбуриятлар юклатилиши лозим. Лекин, келгуси йилда мижознинг мақсадига кўра текширувда янги мажбуриятлар юклатилиши мумкин, иш шароити яна бир марта келишиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, албатта, янги шартнома имзоланади.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан тўқимачилик корхоналарида ташқи аудит текширувини ўтказиш методикаси, жумладан, усулларини такомиллаштиришда қуйидаги бир қатор омилларни ҳисобга олиши керак:

1. Мижоз Корхона фаолиятининг кўлами;
2. Риск турлари (иқтисодий, сиёсий, молиявий, солиқ, инвестицион, аудит);
3. Мижоз Корхона фаолиятининг хусусиятлари.

Методикани такомиллаштиришда мижоз корхона фаолиятига

комплекс ёндашиш зарур. Бунда, корхона фаолиятини баҳолашда барча омилларни ҳисобга олиш керак. Масалан, корхона билан шартномани тузишдан тортиб, токи аудит натижаларини расмийлаштиришгача, ҳатто, камчиликларни тузатишга доир таклиф ва тавсияларни беришда ҳам уларнинг барча хусусиятларини билиш талаб этилади. Бундан ташқари, методикани такомиллаштиришда ташқи аудит текширувини ўтказишнинг сифатини кўтариш биринчи галдаги вазифа бўлиб ҳисобланади. Бизнингча, корхона ташқи аудитини ўтказувчи ҳар бир ташкилот 4-АФМС «Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар» асосида қуйидаги энг асосий ўз фирма ички стандартларни ишлаб чиқишлари зарур деб ҳисоблаймиз:

1. ФИС-1. Корхона молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик хулосаси;
2. ФИС-2. Аудиторнинг ёзма ахбороти (ҳисоботи);
3. ФИС-3. Ташқи аудитни ҳужжатлаштириш;
4. ФИС-4. Ташқи аудитни режалаштириш;
5. ФИС-5. Ташқи аудит объектлари бўйича аудиторлик танлаш;
6. ФИС-6. Ташқи аудит объектлари бўйича муҳимлиликни баҳолаш;
7. ФИС-7. Аудиторлик rischi ва ички назорат тизимини баҳолаш.

Таъкидлаш жоизки, ташқи аудит текширувини ўтказиш жараёнида ҳужжатларни танлаш ҳажмига бир неча хил омиллар таъсир этади (2-расм).

Корхона молиявий ҳисоботи, яъни, баланс моддаларини қиймати бўйича гуруҳлаш(стратификациялаш)да айтайлик, Корхона фойдаси ҳисобини текширишда счётнинг умумий қиймати 4000 000 сўм, лекин, олтита счёт 100 000 сўм ва бундан каттароқ жами 1000 000 сўм қолдиққа эга. Бу олтита счётни алоҳида модда сифатида қараш керак, чунки, аудитор томонидан ҳар бир счёт бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликни белгиланган даражасидан юқори эканлиги, яъни, 80 000 сўм эканлиги топилган. Демак, уларни бош тўпладан чиқариб ташлаш ва алоҳида текшириш керак.

Таъсир этувчи омиллар	Танлаш ҳажмига таъсири
Корхона ички назорат тизимига ишонч	Ишонч юқори бўлса, танлаш миқдори кам бўлади
Аудитор томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликнинг белгиланган даражаси	Танлаш миқдори кўп бўлса, йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолик кам бўлади
Кутилаётган хатолик даражаси	Танлаш миқдори кам бўлса, кутилаётган хатолик кам бўлади
Ишончлилик даражаси	Танлаш миқдори кўп бўлса, ишончлилик даражаси юқори бўлади
Гуруҳлаш (стратификациялаш)нинг қўлланилиши	Гуруҳлаш (стратификациялаш) қўлланса, танлаш миқдори камаяди
Тўплам бирликлари рақами	Танлаш миқдори кўп бўлса, тўплам бирликлари кўп бўлади (танлаш ҳажми катта бўлса, тўплам муҳим эмас).

2-расм. Тўқимачилик корхоналарини ташқи аудит ўтказишда текшириладиган ҳужжатларни танлаш ҳажмига таъсир этувчи омиллар

Бундан ташқари, бош тўпламни бир неча кичик тўпламчаларга бўлиб гуруҳлаш (стратификациялаш) ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда, тўпламни 750 000 сўмга тенг ва ундан юқори қолдиққа эга миқдордаги ҳужжатларга кирувчи тўртта гуруҳга бўламиз. Натижа қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалнинг охири қаторида танлашнинг тақсимоотида 90 та сўмдан иборат юқорида аниқланган тўрт гуруҳ кўриниб турибди. Аммо, ҳар бир гуруҳ, юқори қолдиқли сўмдан ташқари, умумий пул қийматининг ¼ қисмига яқин ҳажми эгаллаган. Бу турдаги гуруҳлаш фақат оддий вазият учун тўғри келади, чунки кичик қолдиқли сўмларга қараганда катта қолдиққа эга сўмлардан аниқланиши мумкин бўлган хатолик миқдори ҳам йирик бўлади. Шу боис, ҳужжатларни монетар танлашда қолдиғи юқори бўлган сўмлардан (80дан 22) кўп, қолдиғи кичик бўлган сўмлардан (910дан 23) кам ҳужжат олинади.

**Молиявий ҳисобот элементларини танлашда гуруҳлаш
(стратификациялаш) ва монетар танлаш усулининг қўлланилиши**

Гуруҳла р	Счётдаги қолдиқ	Счётлар сони	Умумий суммаси, сўм.	Танлаш миқдори (элементлар сони)
1	> 100 000	6	1000 000	6
2	6250-99999	80	754 568	22
3	3440-6249	168	754 508	22
4	1650-3439	342	750 412	23
5	1-1649	910	740 512	23
Жами		1506	4000 000	96

Бизнингча, корхонани ташқи аудитдан ўтказишда ҳужжатларни танлаш вақтида гуруҳлаш (стратификациялаш) ва монетар танлаш усулининг афзалликлари ҳамда имкониятларини қўллаш учун қўшимча талаб этиладиган иш ҳақи харажатларини ҳам ҳисобга олиши керак. Фикримизча, уни компьютер техникасидан фойдаланиб, аниқ мезонлар асосида хронологик тартибда ва содир бўлиш санасига кўра гуруҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнингча, аудиторлик rischi ва муҳимлилик кўрсаткичлари аудиторлик танлови билан узвий боғлиқликда аниқланади. Уларни аниқлаш бўйича ўз усулимизни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Демак, қуйидагича: аудитор текширувда текширилувчи субъектнинг жами ҳужжатлари - 1000та бирлик ҳужжатдан 100тасини танлаб олиб, текширса ва бу ҳужжатлар бўйича якуний, натижавий ҳисобот тузиш ҳамда хулосалар чиқаришда жами ҳужжатларга нисбатан фойдаланса, яъни экстраполяция қилса, демак аудитор rischi= $1000-100/1000=90$ % бўлади. Чунки, аудитор

бунда 10% маълумотдан фойдаланган, холос. Бизнингча, аудитор мижознинг камида 85-90% маълумотлари билан яқиндан танишиб чиқиши, керак бўлса ҳисоб-китобида айнан шу маълумотларга асосланиши керак. Фақат шундагина текширув натижалари ишончли бўлишига эришиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, халқаро аудиторлик ташкилотлари амалиётда аудит рискининг энг мақбул чегараси 15% қилиб белгиланган.

Муҳимлилик кўрсаткичи эса аудит рискига тескари мутаносибликда эканлигини изоҳлаш зарур. Аудит риски катта бўлса, муҳимлилик даражаси паст бўлади ва аксинча.

2.3. Республика тўқимачилик корхоналарини аудит текширувидан ўтказиш жараёнида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини жорий этишни кенгайтириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик корхоналарида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари қўлланилиши иқтисодийликка сезиларли ижобий таъсир ўтказмоқда. Чунки, мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаш шароитида тўқимачилик корхоналари фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш, бу борада юзага келаётган муаммоларни мамлакат миқёсида ҳал этиш, ташқи аудит текширувини ўтказишнинг назарий-амалий жиҳатларини ва ҳуқуқий мақомини янада мақбуллаштириш, бу соҳа мавжуд кадрларига бўлган профессионал малакавий талабни янада кучайтириш, халқаро ҳамжамият, ташкилот, қўмиталар билан муаммоларни ечиш йўллари ҳақида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш, ягона тил бўлган «бизнес тили» стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллашни кенгайтириш бунинг яққол мисолидир. Бундан ташқари, ички ва ташқи молиявий хизматлар бозорида фаолият юритувчи ташкилот, фирма ва компаниялар ўртасида мукамал иш услуби ҳамда ишончли исбот ва далиллар асосида аудит натижаларини халқаро стандарт талаблари асосида расмийлаштириш дастурининг яратилиши ва уни мамлакат амалиётида кенг

қўллаш зарурлиги сабаб бўлмоқда. Улар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, Тўқимачилик корхоналарида ташқи аудит текширувини ўтказишнинг услубий асосларини яратилишига олиб келди; унинг ҳуқуқий мақоми ўрнатилди; фаолият учун зарур бўлган миллий кадрлар тайёрланди;

Иккинчидан, иқтисодиётимизга хорижий сармоялар иштирокидаги Корхона-молия муассасаларининг кириб келишига кенг қулайликлар яратилди. Ҳар бир хорижий инвестор миллий ҳисоблар тизимини билмаслиги ва тўла тушунмаслиги мумкин, лекин бунда инвесторлар аудиторлик ташкилотлари хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда тўқимачилик корхоналарида ташқи аудит текширувлари молиявий ҳисоботнинг ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилади. Бунда, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан ҳам маълум маънода фойдаланилади. Ҳозирги кунда уларнинг сони 21тага етди ва унинг талаблари расмий аудиторлик фаолиятида амал қилиши учун назарда тутадиган аудит амалга ошириш пайтида барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Корхона тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари(МҲХС)ни қўлланишидан асосий мақсад, мамлакатда қабул қилинган ҳисоб, ҳисобот ва аудит қоидаларини халқаро стандарт талабларига мослаштириш ҳисобига корхона тизимининг фаолиятини шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлашдир. Мутахассисларнинг фикрича, корхона тизимида МҲХСни муваффақиятли қўллаш барча молия муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини фаол жорий этишга кўмаклашади. Корхона тизимида МҲХСни қўллаш Корхоналар томонидан ҳам назорат мақсадида, ҳам бошқарув мақсадларини кўзлаб, ишончли молиявий ахборот беришини таъминлаши лозим. Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарида МҲХСни қўллаш билан бир вақтда ўз ҳисоб ахбороти тизимини (аввало бошқарув мақсадидаги ҳисобни ва ички назоратни) такомиллаштириш учун имконият пайдо бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан

Тўқимачилик корхоналарида ташқи аудит ўтказиш молиявий ҳисоботнинг ва аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида амалга оширилади. Хусусан, тўқимачилик корхоналарида ҳисобот молиявий ҳисоботнинг 29, 31, 39- халқаро стандартларидан фойдаланиш асосида тузилиши ҳозирги кунгача амалда жорий этилган. Унинг ҳуқуқий замини Молия Вазирлиги томонидан 2007 йил 18 октябрдаги 661-сон билан тасдиқланган «Молия Вазирлигининг Тўқимачилик корхоналарида аудиторлик текширувларини ўтказишга кўйилган талаблар»ида ҳам ўз аксини топган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нарх даражасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботларнинг кўрсаткичларини қайта ҳисоблаш зарурати МҲҲСни қўллашнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. 29-БҲҲСга мувофиқ иқтисодиёти кўп жиҳатлари билан ушбу стандартда белгиланган иқтисодиёти ўта кадрсизланаётган мамлакат қаторига кирадиган мамлакат валютасида ҳисоб берадиган корхонанинг молиявий ҳисоботи ҳисобот вақтида амал қилган ўлчов бирликларида тақдим этилиши лозим. Яъни, ҳисобот даврига оид ахборот ва олдинги даврларга доир қиёсий маълумотлар молиявий ҳисобот ифодаланган валютанинг умумий харид қувватидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилади. Кўриб чиқиладиган давлат иқтисодий вазиятининг тавсифи пул ўта кадрсизланиш жараёни мавжудлигини кўрсатади.

29-БҲҲС хариднинг амалдаги қиймати асосида тайёрланган бухгалтерия баланси моддаларини қайта ҳисоблашнинг қуйидаги қоидаларини белгилайди:

- монетар (пул) моддалари қайта ҳисоблашга муҳтож эмас;
- номонетар активлар ҳисобот тузилган вақтдаги адолатли қиймати бўйича, эҳтимолли сотиш нархи миқдорида ёки қопланадиган миқдорда кўрсатилган бўлса, улар қайта ҳисобланмайди;
- баланс моддаларига ўзгариш киритишнинг дастлабки даврида тақсимланмаган фойда ёки қайта баҳолашнинг ҳар қандай миқдоридан ташқари капиталнинг барча компонентлари қайта

ҳисобланаши лозим;

- капиталдаги ўзгаришлар капиталга киритилади; биринчи даврнинг охирида ва ундан кейинги даврларда капиталнинг барча компонентлари қайта ҳисобланиши зарур;

- номонетар моддалар харид санасидан бошлаб ёки баҳолаш вақтидаги адолатли қийматни ҳисобга олиб, баланс қийматига нисбатан қўлланиладиган нарх индексидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобланади.

Мазкур стандартни қўллаш мақсадида Тўқимачилик корхонаининг молиявий ҳисоботини тайёрлаш чоғида балансдаги активларни ва мажбуриятларни монетар ва номонетар моддаларга ажратиш талаб қилинади. Шартнома бўйича нарх ўзгариши билан боғлиқ активлар ва мажбуриятлар, яъни облигациялар ва кредитлар шартномага мувофиқ ҳисобот санасига қадар тўланмаган миқдорни аниқлаш учун ўзгартирилади.

Қолган барча активлар ва мажбуриятлар номонетардир. Айрим номонетар моддалар ҳисобот санасида амалда бўлган эҳтимолли соф сотиш нархи ва бозор қиймати каби қиймат билан ҳисобга олинади. Бундай активларга асосий воситалар, инвестициялар, товар-моддий захиралар, ташкилотнинг обрўси, патентлар, савдо маркалари ва бошқалар кирази.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг барча моддалар ҳисобот санаси вақтидаги ўлчов бирликларида ифодаланиши лозим. Шундай қилиб, барча миқдорлар даромадлар ёки харажатлар моддалари молиявий ҳисоботга дастлаб ёзиб қўйилган санадан сўнг, содир бўлган инфляция даражасини қўллаш йўли билан қайта ҳисобланиши лозим.

39-МҲҲСдан фойдаланиб, молиявий активлар ва мажбуриятларни тавсифлайдиган бир қанча белгиларни ажратиш мумкин. Масалан, мажбурият ҳозирги пайтда мавжуд бўлса ва хўжалик фаолияти олдинги фактларининг оқибати бўлса; бўлажак тўловларнинг зарурлиги билан боғлиқ бўлса, у кредиторлик қарзи ҳисобланади ва уни бажариш муддати кўрсатилган бўлса ҳам, ҳозирги пайтда бажарилиши керак.

39-МҲХСда молиявий воситалар кейинчалик улардан Корхоналар қандай фойдаланишига қараб, қуйидаги йирик гуруҳларга бўлинган:

- сотиш учун мўлжалланган молиявий активлар ва мажбуриятлар;
- Корхона томонидан берилган қарзлар ва дебиторлик қарзлари тўлангунга қадар ушлаб туриладиган инвестициялар;
- сотиш учун мавжуд бўлган нақд молиявий активлар.

Бундай тасниф активларни ва мажбуриятларни уларнинг турларига қараб чегаралашга имкон беради, лекин қарзларни тўлаш муддатлари бўйича бир турдан иккинчисига ўтиши (градацияси) кўзда тутилмаган.

7-МҲХС «Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» деб номланган бўлиб, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг барча тоифасига, хусусан, тўқимачилик корхоналарининг пул маблағларига бўлган талабини, пул маблағлари ва унга тенглаштирилган эквивалентларни яратиш имкониятини баҳолашга ёрдам беради. Бундан ташқари, фойдаланувчиларга пул оқимларини яратишнинг вақти ва аниқлиги зарурдир. Шу боис, 7-МҲХСдан тўқимачилик корхоналари йиллик молиявий ҳисобот тузиш ва тайёрлашларида албатта фойдаланишга мажбур. Чунки, унинг мақсади, ушбу номдаги ҳисоботда пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар суммаларининг ўзгариши ҳақидаги ахборотни тақдим этишдан иборат. Стандартга мувофиқ, пул маблағлари ҳаракати қуйидаги уч йўналишда операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятга бўлиб таснифланади. Молиявий ҳисобот бошқа шаклларида пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг фарқи шундаки, унда фойдаланувчиларга қуйидагиларни баҳолашга ёрдам беради:

1. Корхонанинг соф активларининг ўзгариши;
2. Корхона молиявий структурасини ўзгариши (жумладан, ликвидлилик ва тўлов қобилияти);
3. Иқтисодий ўзгарувчан вазият ва ҳолатларда Корхонанинг мослашувчанлиги, пул оқимлари ҳажми(муддати)га таъсир этиш имконияти.

Корхона кредитлари одатда молиявий фаолиятга киритилади. Бироқ,

бир қатор давлатларда корхона овердрафтлари (талаб бўйича тўловлар) ташкилот пул оқимларини бошқаришда унинг ажралмас бир бўлаги сифатида қаралади ҳамда пул маблағлари ва унинг эквивалентлари таркибига киритилади. Бундай корхона счётларининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг дебитидаги сумманинг кредитига нисбатан тез ўзгаришидир.

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ҳар қандай молиявий муассаса ҳисоб тизимини муҳим қисми ҳисобланади. Буюк Британия ва АҚШ бухгалтерия ҳисоби мажбурий қодаларида ана шундай ҳисобот тузишни талаб қилади. Мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тўқимачилик корхоналарига шу талаб қўйилган. Маълумки, барча корхоналар молиявий ҳисоботнинг асосий шакллари, яъни бухгалтерия балансини ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиради. Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот катта миқдордаги бухгалтерия операцияларини ҳамда пул маблағининг амалдаги ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган счёт бўйича қолдиқларни қамрайди. Ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг, эҳтимол тутилган йўқотишларга захираларнинг миқдори, келажак даврлар мажбуриятлари ҳажмининг оширилиши (масалан, солиқ тўловлари ёки кредиторлик қарзлари бўйича мажбуриятлар ҳажмининг оширилиши) бунга мисол бўла олади. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот маблағнинг шу даврдаги ҳақиқий ҳаракатини кўрсатади, юқорида айтилган барча операцияларни чиқариб ташлайди, чунки бу операциялар счётларга ўтказишда акс этади.

Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва тайёрлашда молиявий ҳисоботнинг 7- «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот», 21-«Валюта курслари ўзгаришининг таъсири», 27-«Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот», 29-«Инфляция шароитида молиявий ҳисобот», 30-«Корхоналар ва шу каби молиявий муассасалар молиявий ҳисоботидаги ахборотларни очиш», 32-«Молиявий инструментлар: ахборотни очиш ва тақдим этиш», 33-«Акция

бўйича фойда», 36-«Активларнинг кадрсизланиши» ва 39-«Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш» халқаро стандартларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки, ташқи аудит текширувида ушбу стандартлардан фойдаланиш, Тўқимачилик корхоналарида активлар ва мажбуриятлар, соф фойда, акциядорлик капитали ҳақиқий қийматини баҳолашда хулосалар чиқариш имкониятини яратади, (2-жадвал).

2-жадвал

Ташқи аудит ёрдамида Тўқимачилик корхоналари молиявий ҳолатини халқаро стандартлар асосида аниқлашнинг таҳлили


№	Йирик тижорат Корхоналари	Молиявий ҳисобот моддалари	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида Корхона йиллик молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўзгариши, (+;-) минг сўмда		
			2005 й.	2006 й.	2007 й.
1.	Рамель текс	Жами активлар	-224336,8	-202909,3	-212514,9
2.	Бухоро текст		-47196,4	-58506,3	-88340,8
3.	«Элтекст»		-40731,7	-52820,0	-76362,1
1.	Рамель текс	Жами мажбуриятлар	+187692,9	+169121,4	+175849,5
2.	Бухоро текст		+34633,2	+46970,2	+76055,7
3.	«Элтекст»		+37011,8	+41847,2	+60549,4
1.	Рамель текс	Акциядорлик капитали	-36643,9	-33787,9	-36665,4
2.	Бухоро текст		-12563,2	-11536,1	-12285,1
3.	«Элтекст»		-3719,9	-4200,9	-6022,7
1.	Рамель текс	Соф фойда	-706,1	-664,9	-137,4
2.	Бухоро текст		-368,4	-304,1	-413,5
3.	«Элтекст»		-695,8	-776,3	-1227,5

2-жадвалдаги таҳлилий маълумотлар кўрсатишича, танлаб олинган Рамель текс, Бухоро текст ва «Элтекст»ида ташқи аудит текшируви натижасига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг 7-, 21-, 27-, 29-, 30-, 32-, 33-, 36-, 39-халқаро стандартларини қўллаш орқали, молиявий ҳисоботда активлар, акциядорлик капитали, соф фойда кўрсаткичларининг камайиши, мажбурият суммаларини эса ошишига олиб келган. Корхона молиявий ҳисоботидаги ушбу элементлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ўтказилган молиявий ҳисоботда ўзгариш содир этилишини тақозо

этади. 3.1-жадвал маълумотлари кўрсатишича, 2011-2012 йилларда таҳлил қилинган тижорат Корхоналарида молиявий барқарорликни пасайганлиги кузатилган. Шу боис, Тўқимачилик корхоналари хусусиятларини эътиборга олиб, “Корхоналарида молиявий ҳисобот аудити” номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу стандарт Тўқимачилик корхоналарини ташқи аудит текширувидан ўтказишнинг самарадорлигини оширади, аудиторлик ҳулосаси ҳаққонийлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, аудиторлик ташкилотлари учун қўшимча йўриқнома вазифасини ўтайди.

Аудиторлик ҳисоботи аудитор (аудиторлик гуруҳи раҳбари) томонидан тузилади ва аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади. Ушбу ҳужжат аудиторлик текширув ўтказиш бўйича тузилган шартномани тасдиқлаган буюртмачига тақдим этилади. Агар аудиторлик текшируви ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (суд, прокуратура) топшириғига биноан ўтказилган бўлса, у ҳолда аудиторлик ҳисоботи уларга ҳам тақдим этилади. Аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий бўлиб, учинчи шахсга ошқора қилинмайди. Ҳисоботнинг ҳар бир бети текширув ўтказган аудитор томонидан имзоланган бўлиши керак. Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни аудит объекти, қўйилган мақсад ва вазифаларга бевосита боғлиқ бўлади. Ҳисоботдаги маълумотлар аудиторлик ҳулосасини тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилади. Аудитор текширув натижалари бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини аудиторлик ҳулосасида баён этади. Аудиторлик ҳулосаси аудит объектларининг қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келиши бўйича аудиторнинг ёзма шаклда ифодаланган муносабатидир. Ушбу ҳужжат аудиторлик ҳисоботида асосан тузилади. Аудиторлик ҳулосасининг ҳисоботдан фарқи шундан иборатки, ушбу ҳужжатда аудит натижалари бўйича фақат ҳулоса берилади, ҳолос. Унда қисқа мазмунда аудит объекти, аудитни ўтказувчи шахслар, аудитнинг асосий мақсади ва натижалари ифодаланади. Аудиторлик ҳулосасида текширув жараёнидаги

ноқонуний муомалалар туфайли келиб чиққан ёки келтирилган зарарларнинг сабаблари, шароитлари батафсил кўрсатилмайди, чунки улар аудиторлик ҳисоботида кенг ифодаланган бўлади. Биз аудиторлик хулосасининг таркиби нималардан иборат эканини қуйидаги расм орқали намоён этишни лозим топамиз (3-расм).



3-расм. Аудиторлик хулосасининг таркибий тузилиши

Аудиторлик ҳисоботининг тури ва мазмуни аудит объекти, текширув натижаларига бевосита боғлиқдир.

Аудит натижалари 70-АФМСга кўра 2 хил шаклда: ижобий ёки салбий кўринишда бўлади. Лекин, салбий хулоса аудитор томонидан асосли далиллар билан исботланган бўлиши керак.

Махсус адабиётларда ва аудит амалиётида аудиторлик хулосасининг қуйидаги турлари ифодаланган: шартсиз ижобий хулоса; шартли ижобий хулоса; салбий хулоса; ўз фикрини билдирмасдан, маълумотнома

кўринишида хулоса бериш. Бу 700-АХСда ҳам ўз аксини топган.

Ташқи аудит натижаси бўйича сўзсиз ижобий хулоса Корхона фаолиятида қабул қилинган қонун-қоидаларга, ҳисоб сиёсатига ҳамда солиқ кодекси талабларига тўлиқ риоя қилганда берилади. Шартли ижобий аудиторлик хулосаси Корхона фаолиятида айрим қонун-қоидалардан чекланиш ҳоллари аниқланганда, лекин улар миқдорнинг умумий ҳисоб сиёсатига ҳамда молиявий ҳолатига таъсир кўрсатмаганда берилади.

Аудит натижасида салбий мазмундаги хулоса муассаса фаолиятида қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилинмаслиқ туфайли тузилган молиявий ҳисобот, унинг жорий ҳисоб маълумотларига монанд эмаслиги натижасида берилади.

Аудитор (ёки аудиторлик ташкилоти) аудит натижаларидан тўлиқ қониқиш олмаган ҳолларда ўз фикрини билдирмасдан хулоса беради. Бундай мазмундаги хулосани беришга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин: аудит жараёнида аудиторга турли йўллар билан тазйиқ ўтказилган бўлса; аудиторга керакли маълумотлар тўлиғича тақдим этилмаган бўлса; аудиторда корхона ҳисоб сиёсати бўйича айрим шубҳалар туғилган тақдирда ва ҳ.к.

Аудиторлик фаолиятининг 70-, 90-сонли миллий стандартлари Тўқимачилик корхоналарида аудиторлик ҳисоботи тузишда алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда амал қилинаётган қонун-қоидаларга асосан аудиторлик хулосаси уч турга бўлинади: ижобий аудиторлик хулосаси, салбий аудиторлик хулосаси ва хулоса беришдан бош тортиш тўғрисидаги (ариза) маълумотнома. Буни биз халқаро амалиёт билан таққослайдиган бўлсак, у қуйидаги кўриниш касб этади (4-расм).

Шу боис, Тўқимачилик корхоналарида ташқи аудит молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ўтказилиши хусусиятларини инобатга олиб, аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти 70-АФМСни халқаро стандарт 700-АХСга мувофиқлаштирилиши ҳамда унга қўшимча қилиб, «Ижобий хулосани – ижобий ва шартли ижобий хулоса», «Салбий

хулосани – Қониқарли ва Салбий хулоса» турларига ўзгартирилиши ва унинг мазмуни ҳамда таркибини қўшимча тарзда киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Амалиётда қабул қилинган аудиторлик хулосалари

№	Хулоса турлари	Миллий амалиёт ва стандартларда	Халқаро амалиёт ва стандартларда
1	Ижобий (сўзсиз)	+	+
2	Шартли ижобий	-	+
3	Қониқарли	-	-
4	Салбий	+	+
	Хулоса беришдан бош тортиш тўғрисидаги (ариза) маълумотнома	+	+

4-расм. Амалиётда қабул қилинган аудиторлик хулосалари

Аудиторлик хулосаси маълум тартибда расмийлаштирилади ва тасдиқланади. Ушбу хулосалар шартномадаги муддатларга ҳамда аудитнинг яқунланишига қараб имзоланади. Хулоса имзолангандан кундан бошлаб унга ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас. Аудиторлик хулосаси миждоз молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик ҳужжат ҳисобланади ва матбуотда эълон қилинади. Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади ва унинг иккитаси буюртмачига тақдим этилади.

Тадқиқотларимиз натижасида ташқи аудит текширувлари якуни бўйича аудиторлик ҳисоботининг таркибий тузилиши қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ:

- ташқи аудит ҳисоботининг номи;
- текширувчи субъект реквизитларига тааллуқли параграф;
- кириш қисми бўйича параграф;
- аудит ўтказилган масштаб (объектлар) бўйича параграф;
- фикр билдириш параграфи;
- якунловчи қисм ва сана;
- аудитор ва текширилган субъект раҳбарияти имзоси.

ХУЛОСА

Курс ишини бажаришда қуйидаги хулоса ва таклифлар қилинди:

1. Республикамизда аудиторлик фаолиятига оид амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ҳамда тўқимачилик корхоналарининг ташқи аудитига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари бозор муносабатлари талабларига мос равишда доимий такомиллаштиришга муҳтождир. Шу боис, мамлакатимизда аудит тизимининг назарий ва ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинди ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

2. Ташқи аудит текширувини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари билан тўқимачилик корхоналари ўртасидаги шартномавий муносабатларни ҳуқуқий аҳволини мустаҳкамлаш ва тартибга солиш мақсадида шартномавий қоидаларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. Курс ишида акциядорлик-Тўқимачилик корхоналарида ташқи аудит текширувлари услубиёти ва механизмини такомиллаштириш мақсадида уни ўтказиш босқичлари белгилаб берилди. Акциядорлик-Тўқимачилик корхоналарида уларнинг ихтисослашуви ва ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, аудиторлик текширувига оид аудиторлик ишчи ҳужжатларининг такомиллашган тизими ишлаб чиқилди ва амалий тавсиялар берилди.

4. Тўқимачилик корхоналарида ташқи аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудит рискинни камайтириш мақсадида статистик ва монетар танлаш усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди. Уни молиявий ҳисобот элементларига татбиқ этиш, халқаро аудиторлик ташкилотлари тажрибасида кенг қўлланилаётган капитал етарлилиги, активлар ва капитал рентабеллиги, актив ва пассивлар динамикаси, кредит портфелининг риск даражаси, кредит ва инвестиция портфелини молиявий коэффициентлар асосида тизимли таҳлил қилиш бўйича илмий таклифлар берилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.
1996 йил 30 август
2. Ўзбекистон Республикасининг "Асосий хўжалик фаолияти даромадлари" номли 2-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти.
3. Президент И. Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг маърузаси. -Т.: «Халқ сўзи» газетаси 2013 йил 19 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2-сонли «Асосий хўжалик фаолияти даромадлари» номли БҲМСга шарҳи.
5. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1998. -112 б.
6. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва унга шарҳ: БҲМС-1, ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот. -М.: «Молия», 1999.
7. Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. Т., «Шарқ» 2001.
8. Хамдамов Б.Қ. Аудит: умумий назария, Тошкент, ТМИ, 1999.
9. Тўлахўжаева М.М. Корхона молиявий аҳволи аудити. Иккинчи, (қайта ишланган нашр) Т., «Иқтисодиёт ва ҲУҚУҚ дунёси» 1996. Бухгалтер кутубхонаси сериалининг 9-сони.
10. Тўлахўжаева М.М. «Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими» Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1998. Бухгалтер кутубхонаси сериалининг 12-сони.